"ТАСДИҚЛАНГАН"
«Bag`doddonmahsulotlari»
ochiq aksiyadorlik jamiyati
умумий йиғилиши қарори билан
Топиев Тухтасин
(Кузатув кенгаши раиси)

Имзо ____________

27.08.2011 йил.

М.Ў.

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
Маркази Фарғона вилоят бошқармаси
бошлиғи Ю. Шокиров

Имзо ____________

«30» декабрь 2011 йил №Ф0048-7 - сон

М.Ў.

## ЯНГИ АКЦИЯЛАР ЧИКАРИЛИШИ ТЎГРИСИДАГИ КАРОР

# «Bag`doddonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyati

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Идентификация раками берилди (оддий): | R | U | 1 | 0 | 7 | M | 0 | 0 | 4 | 8 | T | 8 |
| Идентификация раками берилди (имтиёзли): | R | U | 2 | 0 | 7 | M | 0 | 0 | 4 | 8 | T | 6 |

**Номинал киймати 1000 сумдан булган 1 274 117 дона оддий ва 1481 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз.**

(акциялар тури ва сони, уларни чикариш шакли, номинал киймати кўрсатилади)

**Ёпик обуна усулида**

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чикарилиши: 7 чикарилишдир.
(чикарилишнинг тартиб раками)

Тасдикланган Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан
(эмитентнинг акциялар чикарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиклаган органи кўрсатилади)

2011 йил 27 август кунги Баённома.

Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидагикарорни кабул килган органи кўрсатилади)

2011 йил 27 август кунги Баённома.
Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулокот.
Жойлашган манзил – Фарғона вилояти Бағдод тумани Отхона қишлоғи
Почта манзил – Фарғона вилояти Бағдод тумани Отхона қишлоғи. Индекс- 151020.
телефонлари: - (8373) 479-28-54.

Эмитентнинг рахбари: Сотволдиев Ботир Эргашевич
(Ф.И.Ш) (имзо)

Бош бухгалтер: Сулаймонов Абдуфатто Абдурахимович
(Ф.И.Ш) (имзо)

Мухр

Сана: 27 август 2011 йил

1. Ушбу чикарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий ва имтиёзли**

2. Ушбу акциялар чикарилишининг шакли: **хужжатсиз**

3. Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг номинал киймати (сўм): **1000 сум**

4. Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **1 274 117 дона оддий ва 1481 дона имтиёзли**

5. Ушбу чикарилишнинг умумий хажми (сўм): **1 275 598 000 сум**

6. Ушбу чикарилишдаги акциялар эгаларининг хукуклари:

- **акциядорлар реестрига киритилиши;**
- **жамият фойдасининг бир кисмини дивиденд сифатида олиш;**
- **жамият тугатилган тақдирда узларига тегишли улушга мувофик мол-мулкнинг бир кисмини олиш;**
- **жамиятни бошкаришда иштирок этиш;**
- **жамият Низомига мувофик эмитентнинг молия-хужалик фаолияти натижалари тугрисида тулик ва тугри ахборот олиш;**
- **олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;**
- **ваколатли давлат бошкарув органларида ва судда уз хукукларини химоя килиш;**
- **эмитентнинг укувсиз, гаразли хатти-харакатлари туфайли курган зарарларини тулашни талаб килиш;**
- **кимматли когозлар сотиб олиш вактида зарар куриш ва (ёки) фойданинг бир кисмини йукотиш эхтимоли билан боглик таваккалчиликни сугурталаш;**
- **жамият оддий акцияларининг эгалари булмиш акциядорлар умумий йиғилишда мазкур йиғилиш ваколатига кирган масалалар буйича овоз бериш хукуки билан катнашиш;**
- **амалдаги конунларга кура бошка хукукларга эгалар.**

7. Ушбу чикарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чикарилиш тўғрисидаги карордаги хар кандай чеклашлар: **Жамият уставида ушбу чикарилишга чеклашлар мавжуд эмас.**

**Акциялар жамият акциядорлари ўртасида улар акцияларининг сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.**

**Бунда паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна оркали жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг микдори (сўм): **1 275 598 000 сум.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича таксимланган холда кўрсатилади): **Жамиятнинг аввал жойлаштирилган акциялари 1 274 117 дона оддий ва 1481 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз акцияларни ташкил этади.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича таксимланган холда кўрсатилади): **- жамият томонидан корпоратив облигациялар чикарилмаган.**

11. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): **Паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Акцияларни жойлаштириш кимматли когозлар чикарилиши давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб 15 календарь кунидан кечикмасдан айирбошлаш йули билан амалга оширилади.**

11.3. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

**Паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади, бунда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмайди. Кимматли когозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

11.4. Акцияларга бўлган хукукларни хисобга олиш ва саклаш, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган хукукларни хисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўгрисидаги маълумотлар (раками, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал килиш муддати):

**Акциялар эгалари реестрини шакллантириш ва саклаш Кимматли когозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Манзили: Тошкент ш., Бухоро кучаси, 10-уй. Тел: 236-14-34; Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси уз фаолиятини Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263–сонли карори асосида амалга оширади.**

**Акцияларга бўлган ҳуқуқларни хисобга олиш «Ишонч ЛТД» МЧЖ ва «Фаргона ВАКТ» МЧЖ томонидан амалга оширилади.**

**Депозитарий – «Ишонч ЛТД» масъулияти чекланган жамияти, Фаргона шахри Комус кучаси 40 уй. Тел: 224-58-85. Лизенция депозитарий фаолияти буйича №783. Амал килиш муддати - чегараланмаган. 17.12.2004й.да Кимматли когозлар бозори фаолиятини мувофиклаштириш ва назорат килиш Маркази томонидан берилган.**

**«Фаргона ВАКТ» депозитарийси. Фаргона шахри, Б. Маргилоний кучаси 35 уй. индекс: 150100. тел: (8373) 224-47-45. Лизенция депозитарий фаолияти буйича №796. Амал килиш муддати- Муддатсиз. 24.02.2005 йилда Узбекистон Республикаси Давлат мулки кумитаси хузуридаги Кимматли когозлар бозори фаолиятини мувофиклаштириш ва назорат килиш Маркази томонидан берилган**

11.5. Ушбу чикарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукукни амалга ошириш тартиби: **Паст номинал қийматта эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.**

11.6. Ушбу чикарилишдаги акциялар бахоси (бахолари) ёки жойлаштириш бахосини белгилаш тартиби: **Ушбу чиқалирувдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Акцияларнинг аввал жойлаштирилган 599 531 060 сўмлик қисми номинал қиймати бўйича тўланган, акцияларнинг янги чиқарилишдаги 676 066 940 сўмлик қисми номинал қиймати бўйича жамиятнинг утган йиллардаги таксимланмаган фойдаси ҳисобидан тўланади.**

11.8. Ушбу акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чикарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам микдорда белгиланиши мумкин эмас): **Ушбу чиқарилувдаги акцияларнинг 100%дан кам микдорда жойлаштирилганида, ушбу чикарилиш амалга ошмаган деб топилади.**

11.9. Ушбу акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топилган такдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни кайтариш тартиби: **Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акцияларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бухгалтерия хужжатларида тегишли бухгалтерия утказмалари амалга оширилади.**

12. Эмитент томонидан кимматли когозлар чикарилиши (кўшимча чикарилиши) тўгрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик ошкор килиш тартиби:

**Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Отхона қишлоғидаги эмитентнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.**

**Жамият томонидан акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқариш давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг қонунда белгиланган тартибда «Биржа» иктисодий газетасида ошкор қилинади. Нашриёт манзили: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55 уй.**

13. Бошка маълумотлар: **Йўқ.**